

**Каримова Гавҳар Қудратилла қизи,**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD), доцент, "PROFI UNIVERSITY" Ёшлар  
масалалари, маънавий ва маърифий ишлар  
бўйича проректори

## ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

УЎК: 371

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL\\_2025\\_ISSUE\\_1\\_2](https://doi.org/10.34920/so/vol_2025_issue_1_2)

---

### ***КАРИМОВА Г.Қ-Қ. ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ***

Мақолада жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, амалга оширган ишлари ва ривожланишининг аҳамияти ва роли таҳлил қилинади.

Таянч сўз ва тушунчалар: жадидлар, жадидчилик, маърифатпарварлик, Исмоил Гаспирали, Бехбудий, миллат, мактаб.

---

### ***КАРИМОВА Г.К-К. ПРОИСХОЖДЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ДВИЖЕНИЯ ДЖАДИДИЗМА***

В статье анализируются истоки, достижения, значение и роль движения джадидов.

Ключевые слова и понятия: джадиды, джадидизм, просвещение, Исмаил Гаспирали, Бехбуди, нация, школа.

---

### ***KARIMOVA G.K-K. ORIGIN AND DEVELOPMENT OF THE JADIDISM MOVEMENT***

The article analyzes the importance and role of the origin, achievements and development of the Jadidist movement.

Key words and concepts: jadids, jadidism, enlightenment, Ismail Gaspirali, Behbudi, nation, school.

**Кириш.**

Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракати мураккаб, тарихий жиҳатдан серқирра йўлни босиб ўтди. Жадидлар турли мамлакатлардаги тараққиёт, ислохотлар учун олиб борилган ҳаракатларнинг фалсафий тажрибасига таяниб, бу тажрибани миллий асосда қайта ишлашга интилди, айна пайтда ижтимоий тараққиёт йўллари ҳақидаги турли қарашларнинг тўқнашув майдони ҳам бўлди. Мустамлакачиликка қарши курашнинг бош ғояси ана шу мураккаб йўлда шаклланиб етилди.

Жадидчилик жаҳон ижтимоий ва миллий қадриятларга асосланган оқим бўлиб, Ўрта Осиё маҳаллий туб аҳолиси манфаатларига жавоб берган ва ижтимоий тараққиётнинг пишиб етилган эҳтиёжларини тўла қондира оладиган ҳаракат сифатида шаклланди. Жадидчилик маърифатпарварликдан кучли сиёсий ҳаракатгача бўлган мураккаб ривожланиш йўлини босиб ўтди. Жадидчилик ўз тарихида икки босқични ўтган. Биринчиси – маърифатпарварлик босқичи ва иккинчиси – сиёсий босқич. Лекин жадидларнинг давлатчилик масаласига қарашлари биринчи даврданоқ шакллана бошланган ва иккинчи босқичда аниқ бир шаклга келган деса бўлади.

Икки ёқлама мустамлакачилик ва маҳаллий зулм остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир иқтисодий аҳволи, Туркистон, Бухоро ва Хива хонликларининг жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларидан анчагина орқада қолиб кетганлиги, маданий таназзул ҳамда эркин фикрнинг қотиб ривож топмаётганлиги каби ҳолатлар жадидларни ижтимоий тараққиёт чораларини излаб топишга ундади.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Жадид асарлари асосида ёшларни ватанпарварлик, маърифатпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни ватанпарварлик қобилиятларини ривожлантириш, жадидчилик ҳаракатини ўрганиш бўйича С.Қосимов, А.Алиев, С.Аҳмедов, Ш.Ризаев, Н.Тўхлиев, С.Агзамходжаев, З.Абдирашидов ва бошқа кўплаб ватанимиз олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

**Тадқиқот методологияси.**

Мақоланинг методологияси илмий ва тобора оммалашиб бораётган манбаларни таҳлил қилишдан бошлаб, жадидчилик ҳаракатининг келиб чиқиши, амалга оширган ишлари ва ривожланишининг аҳамияти ва ролини таҳлил қилади.

**Таҳлил ва натижалар.**

XX аср бошларида мамлакатимизда таълим тизимларини янгилашда муҳим роль ўйнаган жадидчилик ҳаракати алоҳида қизиқиш уйғотмоқда. Жадидчилик таълимоти тамойилларининг интеграцияси ёшларнинг танқидий фикрлаш, масъулият ва ватанпарварлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларнинг таълим даражасини ошириши кутилмоқда.

Тошкентда ўтказилган **“Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари”** мавзусидаги конференция жаҳон илм-фан ва маданий жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш ва эътибор уйғотди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу анжуман иштирокчиларига мурожаатида: “Тараққийпарвар аждодларимизнинг илғор ғоя ва қарашларини тадқиқ этиш ва тизимлаштириш, Туркистон жадидларининг миллий давлатчилик ривожигаги ўрни ва таъсирини ўрганиш, XX асрнинг биринчи чорагида улар томонидан барпо этилган давлат тузилмаларининг қонунчилик базасини таҳлил қилиш, дунёвий, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга қаратилган фаолиятига тарихий баҳо бериш, Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс бунёд этишда ушбу мероснинг мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилиши билан боғлиқ масалалар бугунги конференциянинг асосий муҳокама мавзулари этиб белгилангани алоҳида аҳамиятга эга”, - деб таъкидлади<sup>1</sup>.

Жадидчилик (арабча: جدید жадід — янги деган маънони англатади) – XIX аср охирлари XX аср бошларида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат саналади<sup>2</sup>. Жадидчилик ҳаракати дастлаб XIX аср-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати. 2023 йил 11 декабрь. - <https://president.uz/uz/lists/view/6919>

<sup>2</sup> Ўзбек совет энциклопедияси. 2-жилд. - Т.: 1979.

нинг 80-йилларида Қримда вужудга келди. XIX асрнинг 90-йилларидан бошлаб Ўрта Осиёда тарқалди.

Жадидчилик аввал маданият ва маърифат соҳаларидаги ҳаракат сифатида фаолият юритган. Жадидчилик вакиллари тараққиёт учун курашиш, туркий тилларни ривожлантириш, шу тиллардаги адабиётни бойитиш, дунёвий илмларни ўрганиш, фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳамда аёллар ва эркаклар тенглиги учун курашишга ҳаракат қилишган.

Собиқ иттифоқ даврида ёзилган адабиётларда жадидчиликка “буржуа-либерал, миллатчилик ҳаракати” деб таъриф берилган.

Жадидчилик дастлаб XIX асрнинг 80-90 йилларида қримлик Исмоил Гаспирали раҳбарлиги остида қрим-татарлар халқи ўртасида вужудга келган. Исмоил Гаспирали – қрим-татар миллатига оид зиёлилар вакили, педагог, ёзувчи, йирик сиёсий ва жамоат арбоби эди. У жадидчилик ва пантуркизмнинг асосчи деб ҳам ҳисобланади. Исмоил Гаспирали номи ислом Шарқ халқларининг маърифатпарварлик ҳаракати — жадидчиликнинг асос солиниши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб, у кўплаб мусулмон мамлакатларида бошланғич таълим беришда кўпроқ дунёвий билимларга урғу беради.

Исмоил Гаспирали маърифатпарвар таълимнинг келиб чиқиши ва мактабда жадидчилик деб номланган дунёвий билимларни ўқитиш усулининг ривожланишида алоҳида ўрин тутди. У ўзининг дарслик, қўлланма ва асарларида мусулмон мамлакатларидаги бошланғич мактабнинг аллақачон таниш бўлган қонунларига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Айнан Исмоил Гаспирали миллий-конфессионал тизимни ўзгартириш асосларини ишлаб чиқиб, таълим тизимига жорий қилди. Исмоил Гаспирали тамойиллари жамият тараққиётидаги ривожланиш ва профессионал бағрикенгликка асослаган.

Исмоил Гаспирали янги ўқитиш усулларини нафақат Қримда, балки Татаристон, Қозоғистон, Бошқирдистон, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркия, Шимолий Форс ва Шарқий Хитойда ҳам амалга қўлади. Миллий русумдаги янги усул мактаблари учун дарсликлар, қўлланмалар ёзган ва нашр эттирган.

Исмоил Гаспиралининг мафкуравий тамойиллари ва ғоялари либерал мафкура, жамиятнинг илғор ривожланиши, туркий ва славян халқларнинг дўстлиги, мусулмон ва христианларнинг диний бағрикенглиги, социалистларнинг радикал талабларини рад этиш асосида яратилган эди. Исмоил Гаспиралининг қарашлари ижтимоий келиб чиқиш аҳамияти жиҳатидан атоқли педагог ва файласуфлар кабиларнинг ғоялари қаторида туради.

Жадидчилик ҳаракати иштирокчилари ўзларини ватанпарвар, тараққийпарварлар, кейинчалик эса жадидлар деб аташган. Ўша вақтнинг илғор ватанпарвар, тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, халқни ислоҳ қилиш мажбурлигини тушуниб етгандилар.

Жадидчилик аввало сиёсий ҳаракат эди. Унинг шаклланиш, ифодаланиш ва мағлубиятга учраш оралиқлари бўлиб, уларни тўрт даврга бўлиш мумкин. Туркистон, Бухоро ва Хива ҳудудида бу даврлар:

- 1) 1895–1905;
- 2) 1906–1916;
- 3) 1917–1920;
- 4) 1921–1929 йилларни ўз ичига олади.

Жадидчиликнинг бу илк даврида Туркистонда Чор Россиянинг ҳукмронлиги мустаҳкам ўрнашиб олган давр эди. Ўша вақтда маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари эътиборга олинмай қўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик ҳолатлари тобора кучайди. Ҳаётининг илмий ва амалиётга эга бўлган савияси юқори бўлган қозилар тажрибасиз кишилар билан алмаштирилди, порахўрлик, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик авж ола бошлади.

Мадраса ва мактаблар фаолиятларини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атаmalar билан алмаштириш, ҳатто маҳкама жараёнида қозилар бўйнига хоч тақтиришгача эришилди.

Миллатнинг нурли истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари – ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қоқоқликдан уйғотиш – сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жадидчилик ҳаракати шундай тарихий бир

шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин ярата олди.

Улар орасидан етук олимлар, замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва ўз юртини мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда курашдилар, керак бўлса жонини ҳам қурбон қилдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан йўналишлари устувор қуйидагилардан иборат:

- 1) янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш;
- 2) қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;
- 3) турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш;
- 4) газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш;

Туркистонда миллий демократик давлат қуриш ва барпо этиш.

Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди. Бундай олганда, XX аср бошида юзага келган жадидчилик ҳаракати ўша халқларининг миллийликка эришиш, мустақиллик йўлида дастлаб чор Россияси, сўнгра совет мустамлакачилигига қарши курашда муҳим ўрин тутди. Булар қаторига қуйидаги жадидларни киритиш мумкин: Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Файзулла Хўжаев, Саид Аҳмад Васлий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдуқодир Шукри (Шакурий), Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Бадрий ва бошқалар ўзларнинг ҳаёт ва яшаш даврида жадидчилик ҳаракатида жуда ёрқин из қолдирдилар<sup>1</sup>.

Хусусан: **Маҳмудхўжа Беҳбудий** драматург, ношир, дин ва жамоат арбоби бўлиб, жадидчилик ҳаракати етакчиларидан саналади. Беҳбудий балоғат ёшидан қозихонада меҳнат қилади, қози, муфти даражасига кўтарилади. Беҳбудий ҳаж сафарига бўлган чоғида Арабистон, Миср, Туркияда бўлиб, улардаги таълим тизимига эътибор қаратди. Саёҳатлар давомида янги мактаб очиш фикрини мустаҳкамлаб борди. Самарқандаги Ҳалвойи қишлоғида

Абдуқодир Шакурийлар билан ҳамкорликда янги мактаб очди. Беҳбудий Қозон ва Уфага бориб, у ердаги янги усул мактаблари билан танишади, татар зиёлилари билан алоқани йўлга қўяди. Янги мактаблар учун дарсликлар тузишга киришади.

**Мунавварқори**, Абдурашидхонов Мунаввар қори Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси, XX аср ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоирдир.

**Абдулла Қодирий** – XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси; 1920 йиллардаги муҳим ижтимоий-маданий жараёнларнинг фаол иштирокчиси эди. Абдулла Қодирийнинг қатор асарлари, хусусан, тарихий романларининг юзага келишида унинг кўрган-кечирганлари муҳим роль ўйнаган. Абдулла Қодирий мусулмон мактабида, рус-тузем мактабида, Абулқосим шайх мадрасасида таълим олди; Москвадаги адабиёт курсида ўқиди. Ёшлигиданоқ қадимги Шарқ маданияти ва адабиёти руҳида тарбия топган; араб, форс ва рус тилларини ўрганган. Жаҳон адабиётини ихлос билан мутулаа қилган.

**Абдурауф Фитрат** — ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ва шоир, замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан бири, Ўрта Осиё жадидчилигининг таниқли вакили, биринчи ўзбек профессори. Жадидчилик миллий маърифатпарварлик ҳаракатининг тарафдори. Туркияда таълим олган. Инқилобга қадар Ўрта Осиёни Россиядан озод қилиниши ҳаракатларида фаол қатнашган, полиция назорати остида бўлган. Туркиядаги “Ёш турклар” ҳаракатидан илҳомланиб, Бухорода “Ёш бухороликлар” партиясини тузган, унинг маънавий раҳнамосига айланган. Дўсти ва маслакдоши Мунзим билан ҳамкорликда бухоролик 70 нафар ёш туркистонликларни Германиянинг бир қатор олий таълим муассасаларига ўқишга юборган.

**Чўлпон** – шоир, ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи ва жамоат арбоби. Дастлаб, мадрасада, сўнгра рус-тузем мактабида ўқиган. Шарқ мумтоз шоирлари асарларини мутулаа қилиш ва жадид матбуотини кузатиш йўли билан адабий, ижтимоий-сиёсий билимини оширган.

<sup>1</sup> Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1990-йил 26-январь.

Жадидлар ҳаракати анъанавий Шарқ маърифати ва диний ислоҳотлардан ҳаётийлиги, маърифий фаолияти, миллий ва ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Жадидчилик туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқи тарихида янги саҳифа очган ҳаракат эди. Шунинг учун Совет ҳукумати унга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. Жадидчилик учун муҳим мақсад туркийзабон халқларнинг уйғониши ва ўз-ўзини англашининг намоён бўлиши эди. Жадидларнинг йўқ қилиниши деярли бир аср давомида туркий халқларнинг глобал миқёсда тан олинисини орқага сурди, уларни ҳукмрон мафкура ва ҳукмронликка қарам қилди ва тоталитар тузумнинг халқлар бирлашиши назариясини амалга ошириш истаги қурбонига айлантирди.

Жадидчилик биринчи навбатда босим остида, кейин эса тоталитар мафкура чангалида бўлиб, фақат қисман ривожлана олди. 1953-1990-йилларда ҳукмрон тузумнинг мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий босими қарамай, ўзбек халқи жадидлар томонидан илгари сурилган ғояларнинг амалга ошишини умид қилиб, ўз миллий ўзлигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Ва фақат Ўзбекистон мустақиллиги уларни амалга ошириш имконини берди.

Утган аср охирида бухоролик атоқли олим, ёзувчи ва жамоат арбоби Аҳмад Донишни ҳам жадидчиликнинг Марказий Осиёдаги вакили деб ҳисоблаш мумкин. С. Айний у ҳақида «Бухоро инқилоби тарихи» китобида Аҳмад Дониш ўз ташаббуси билан астрономия, геометрия, математика, тарих, филология ва таржимаи ҳол санъатини ўзлаштирганини ёзади. Худди шу китобда 1903 йилда Самарқандда пайдо бўлган биринчи янги мактаб ҳақида сўз боради. Бу Мулла Абдулқодир Шакурий томонидан ташкил тилган Шакури мактаби эди. Унинг тажрибасини ўрганиб чиқиб, бир нечта маърифатпарвар бухороликлар, шу жумладан Айний Бухорода иш бошлашга қарор қилишади.

Туркистондаги жадидлар ҳаракатининг ривожланишига Ғози Юнус ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. У ҳам тараққийпарварлар бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Обиджон Маҳмудов ва бошқа шу каби инсонларнинг маслак ва

мақсадлари йўлида хизмат қилди. У бир томондан турли хил бидъат ва хурофотларга чирмашиб кетган исломни пок ва мусаффо ҳолатга келтириш лозимлигини таъкидласа, бошқа томондан халқни янги усул мактабларида ўқишга тарғиб этди. Ғози Юнус ҳам аксарият зиёлилар каби эски усул мактаблари ўз умрини ўтаб бўлганини, ундан энди ҳеч қандай фойда йўқлигини, аксинча, қайтага зарар келтиришини таъкидлади.

Жадидларнинг ҳаракати туфайли XIX аср бошларига келиб Фарғона водийсида ўнлаб янги усул мактаблари фаолият кўрсатмоқда эди. XX аср бошларида бутун Россия империясида талабалар ҳаракати кенг ёйилгани каби, мусулмон мадрасаларида ҳам талабаларнинг сиёсий фаоллиги бир мунча ортган эди. Жумладан, Фарғонада ҳам дастлабки тараққийпарвар жамиятлар ташкил топди. 1908 йилга келиб эса, Қўқон шаҳрининг бир гуруҳ илғор фикрли мадраса талабалари томонидан “Шамсинур” жамияти тузилади. Жамият аъзолари халқ оммасини илмли, маърифатли қилишни, мадрасаларда аниқ фанлар ўқитилишини жорий қилинишини биринчи галдаги вазифалардан деб билдилар. Жамият йиғилишларида ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинган. “Шамсинур” жамияти фаолиятида жадидларнинг сезиларли таъсири бўлган. Фарғонанинг атоқли жадидларидан Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳам ўз сиёсий фаолиятини илк бор шу жамиятдан бошлаган. 1912 йил 20 июлда Қўқон шаҳрида “Қўқон артистлар тўгараги” ташкил этилган бўлиб, Ҳамза унинг асосчиларидан бири эди. Тўгаракнинг мақсади драматик асарларни ўрганиш ва уларни саҳналаштириш ҳамда санъат ҳаваскорларини унга жалб этишдан иборат эди. 1914-1916 йиллар мобайнида у 18 дан ортиқ адабий-публицистик асарлар яратди.

Жадидларнинг маърифатпарварлик мафкураси ижтимоий жиҳатдан анча бой ва рангбаранг бўлган. Унда ҳозирги кунимизда ҳам жамиятни тўлқинлантирадиган, ҳаяжонга соладиган тарихий вазифа ва масалалар қаторига биз маънавий баркамолликка етишда динни тўғри англаб тушуниб етишимиз, ҳуқуқий ва иқтисодий бозор маконини ташкил қилиш жараёнини тезлаштириш, тараққий этган илғор демократик институтларни бунёд қилиш, ўзига

хос миллий ривожланишларни киритишимиз мумкин.

Бу масалаларни ҳал этиб амалга оширишда муҳим омил сифатида исломнинг модернизациялашуви, уни қотиб қолган ақидалардан тозалаш, фан ва илғор технология ютуқларини эгаллаб бориш муаммолари майдонга чиқади.

Жадидларнинг халқаро алоқа ва муносабатлари уларга Россия, Туркия, Миср, Эрон жадидларининг дастури билан танишиш имконини берди. Лекин Туркиядаги ёш турклар ва Эрон тараққийпарварлари тажрибаларини Туркистон жадидлари механик тарзда ва ўша қолипда ўзлаштириб олмадилар. Аксинча жадидлар Европа ва Шарқ мамлакатларининг давлат қурилиши ва қонун чиқарувчилик кенг тажрибаларидан, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши демократик ҳаракатлар кураши усуллари ва дастурларидан манфаатларига ҳамоҳанг бўлган ва миллий маданиятга мос келадиган зарур ўринларни олдилар.

Жадидларнинг беқиёс хизматларидан яна бири барча Туркистон халқлари ва миллатларнинг қонун олдида тенглиги ҳақидаги ғоянинг илғари сурилиши бўлиб, бунга кўра Туркистон фуқаролари жамият ҳаётининг барча иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий ва маданий жабҳаларида тенг ҳуқуққа эга бўлишлари лозим эди.

Давлат мустақиллиги тўғрисидаги ўзларининг ғояларини Туркистон жадидлари мамлакатнинг турли ижтимоий кучлари билан келишган ҳолда ҳаётга татбиқ этишни лозим топдилар. Жадидлар Таъсис Мажлисидан ўрин олиш учун жуда кўп уриндилар, ғайрат қилдилар, ҳатто бу жараёнда ўз сафларида тараққийпарварлар томонидан тузилган "Шўрои Исломия" ва жадидларнинг консерватив қисмидан ташкил топган "Уламо" жамияти каби ташкилотларга бўлиниш юз берганлигига қарамасдан, бирлашиш йўлидан бордилар, пировардида бу Туркистон федералистларининг "Турк Адами марказияти" партиясининг вужудга келишига олиб келди.

Бироқ Туркистондаги 1917 йил Октябрь воқеалари, большевикларнинг ҳокимиятга келиши жадидларга ўз мақсад-ниятларининг амалга ошишига имкон бермади. Шунга қарамай, янги большевистик ҳокимиятнинг ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши

ҳақидаги декларациясига асосланиб, улар 1917 йил 26 ноябрда Қўқонда ўлка муслмонларининг IV Фавқуллода қурултойини чақирдилар ва Федератив Россия республикаси таркибида автономия ҳуқуқига асосланган Туркистон Мухториятини эълон қилдилар. Уч ойгина яшаган автоном республика тарихи қонли саҳифалардан иборат бўлиб, жадидлар таъқиб остига олиндилар ва 1937 йилга келиб ғоявий қарашлари совет мафқурасига тўғри келмаганлиги учун кўпчилиги қатағонга учрадилар.

Туркистон жадидлари миллий ғояни самарали тарғиботи учун 1914 йилдан бошлаб турли нашриёт, ширкат ва кутубхоналар ташкил қила бошладилар. Бундай муассасаларнинг асосий мақсади миллий ғоя тарғиботи ва сиёсий ироданинг мустақамланишига хизмат қиладиган газета, журнал ва китобларни нашр қилиш ва Туркистон аҳолиси орасида тарқатишдан иборат эди. Бунда асосий эътибор ўрта авлод муслмонлар аудиториясига қаратилди. Ана шундай ташкил этилган муассасалар қаторига Қўқондаги "Ғайрат" кутубхонасини, Тошкентдаги "Нашриёт" ширкатини, Бухородаги "Маърифат" кутубхонаси ва "Баракат" кооперативини мисол қилиш мумкин. Туркистонлик жадидларнинг бу ҳаракатини Гаспирали сўзлари билан айтадиган бўлсак, бу даврдан бошлаб Туркистон жадидларининг барча фаолиятлари "оғзаки тилдан босма матбуот га ўтди" ва халқ орасида тез ёйила бошлади<sup>1</sup>.

1905 йил чор ҳукумати тарафидан Манифест эълон қилиниши натижасида империя муслмон аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти бутунлай ўз йўналишини ўзгартирди. Муслмон зиёлилари биринчи навбатда муслмон жамиятининг бирлигини сақлаб қолиш ва унинг диний ва таълим муассасалари ишида мухторликни таъминлашга қаратилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> "Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари" // "Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти" мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2016 йил 15 апрель.

<sup>2</sup> "Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари" // "Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти" мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2016 йил 15 апрель.

Беҳбудий 3-Бутунроссия мусулмонлари съездида Туркистон делегацияси бошлиғи сифатида иштирок этди ва Туркистон бўйича асосий маъруза қилди. Туркистон делегацияси ўзининг кейинги фаолиятини съезд президиуми билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб боришга ҳаракат қилди. Бу делегациянинг съезд президиуми билан бўлиб ўтган музокарасида вақф ва таълим ишлари, диний муаммолар ҳамда Туркистонда “Маҳкамаи Исломиа” ташкил этиш масаласи муҳокама қилинди. Бундай бошқарув тизими Гаспирали таклиф этган мухтор ташкилотнинг асосий бўғинини ташкил этар эди<sup>1</sup>.

Беҳбудий съезд президиуми билан келишув ҳамда Россия мусулмонлар Иттифоқининг қабул қилинган дастури 49 асосида 1907 йил апрель ва ноябрь ойларида Давлат Думасининг Мусулмон фракциясига “Туркистон Маданий Мухторияти” лойиҳасини тақдим этди. Бу лойиҳа 74 моддадан иборат бўлиб, Маданий Мухторият тузилмаси ва фаолиятини тўлиқ қамраб олган эди. Япониялик олим Ҳ.Коматсунинг таъкидлашича, Беҳбудий тақдим этган лойиҳа мусулмон диёрининг икки асосий устунини тан олдириш ва кучайтириш асосида Туркистон мусулмонларини бирлаштиришга йўналтирилган эди<sup>2</sup>.

Беҳбудийнинг “Туркистон Маданий Мухторияти” лойиҳаси амалга ошмаган бўлса-да, Беҳбудий яна бир бор 1917 йили “Турк Адам Марказият” партияси лойиҳасида иштирок этди<sup>52</sup>. Туркистон жадидлари тарғиб қилган миллий ғоянинг амалий натижаси 1917 йил 27 ноябрда Қўқон Мухторияти ташкил этилиши билан яқунланди. Мухторият кўп яшамаси, у 1918 йил 20 февралда большевиклар томонидан яқсон қилинди.

Жадидчиликнинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммати шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, ғафлат уйқусида ётган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди, озодлик, эрк, миллий ғурур

ва шаън ҳақида, буюк аждодлари, бой маданияти, умуман мустамлака истибдоди даврида унутилаётган қадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда эволюцион ислоҳот йўли асосида ишлаб чиқдилар, ижтимоий-даврий тузум ўзгаришларининг энг максимал эффектив йўлини таклиф қилдилар ва мустамлакачилик тартиботини йўқ қилишни талаб қилдилар.

### Хулосалар:

1. Туркистон жадидлари миллатни жисплаштирувчи, ягона йўлга бошловчи миллий ғояни Ички Россия мусулмонларидан олган бўлсалар-да, маҳаллий воқеликка мослаган ҳолда қайта шакллантирдилар. Туркистон жадидлари бошланғич паллада таълим, замонавий билимлар тарғиби ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуш шароитини ўзгартиришга қаратилган дастур асосида иш олиб борди. Айнан мана шу масалалар жадидларнинг миллий ғояси асосини ташкил этди. Миллий ғоя тарғиботи асосини ташкил этувчи хайрия муассасаларининг тўлақонли фаолиятига бир тарафдан маҳаллий савдогар ва ишлаб чиқарувчилар синфининг сустиги, иккинчи тарафдан атрофдаги мамлакатлардаги сиёсий вазият ҳамда чор ҳукуматининг ўлкада олиб борган сиёсати тўсқинлик қилди.

2. Туркистонда миллий матбуот ва хайрия муассасаларининг фаолияти жадидларнинг миллий ғоя борасидаги ҳаракатларини маҳаллий жамиятнинг турли қатламлари орасида у қадар таянч топа олмаганлигини кўрсатди. Шундай бўлса-да, матбуот ва адабиёт орқали жадидлар мусулмон аҳолиси ўртасида оз бўлса ҳам замонавий билимларни эгаллашга, жамоат ишларида қатнашишга бўлган қизиқишни уйғота олди.

3. Туркистон, Бухоро, Хоразм жадидларини йўли бир хил бўлмаган бўлиб ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Лекин уларнинг ҳаммаларини концептуал ғоялари ҳозирги давр буюк ўзгаришлар амалиётининг замонавий асослари бўлиб хизмат қилди, кенг қамровли ислоҳотлар йўналиши ва бугунги кун стратегиясининг наслий ўзаги сифатида майдонга келди.

<sup>1</sup> Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1990-йил 26-январь.

<sup>2</sup> “Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари” // “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзудаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2016 йил 15 апрель.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига мурожаати. 2023 йил 11 декабрь. - <https://president.uz/uz/lists/view/6919>
2. Ўзбек совет энциклопедияси. 2-жилд. - Т.: 1979.
3. Қосимов С. Беҳбудий ва жадидчилик. // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1990-йил 26-январь.
4. “Жадид маърифатпарварлик ҳаракатининг ғоявий асослари” // “Жадид маърифатпарварларининг миллий таълим, матбуот, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва унинг Миллий ғоя тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. 2016 йил 15 апрель.